

Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

“01.01 2022 йил

№ 9487-Ссон

Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан Ўзбекистон Республикасининг ОИТСга карши курашиб маркази директори К.Х.Юлдашев (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуидагилар хақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва сокчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “**Кўриқлаш**” эса ушбу вазифани қуидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими шахсий таркиби оркали 1 та 24 соатлик (соат 09.00 дан 09.00 га кадар) коровул пости билан Тошкент шахар, Чилонзор тумани, Дилобод маҳалласи, Збайди жойлашган Ўзбекистон Республикасининг ОИТСга қарши курашиб марказига қарашли клиникани (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочи** топширади. **Ижрочи** кабул килади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирланаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда ___ иш куни ичидаги саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга кўйилади.

Объектда сокчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектта ___ иш куни ичидаги йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармагандан Ижрочи кўйилмайди, кўйилган Ижрочи эса чакириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ҳисоб варакасига асосан жами 36 106 560 (ўолти миллион бир юз олти минг беш юз олтмиш) сўмни ташкил этади. Жумлада 24 000 000 сўм бюджет ҳисобидан 12 106 500 сўм бюджетда ташкири маблағ ҳисобидан тўлов амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдикланган холларда кайта кўриб чикилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзолантган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун колганда **ойлик тўловни 100 фойзи микдорида** амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олуви бўлса, ойлик тўловнинг 100 фойзи микдорида тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцентсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижроидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараённида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни баргароф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амала оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аникланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажратмас кисми ҳисобланган 20 йил " " даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида ҳоналарни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига караб пост курилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шахар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш ҳоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш ҳоналари, ёнғин учирувчи воситалар ва бошжалар) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмирлаш;

хар кандай моддий кимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсигидан _____ метр узокликлда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камидан бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўргигини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгилантан кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни қайта жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир кисмини бонка шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқукини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хакида Ижроини бундай ишларнинг бошланишидан камидан _____ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслиқ ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик хақида ТҚМни хабардор килиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кўлфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошка ёнгин манбаларининг ёкилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда колишига йўл қўймаслик;

қўриқланадиган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектта Ижрочи вакили етиб келгунига кадар қўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамоийллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника ҳавфсизлиги коидалари билан уларнинг ўз базифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг хуқуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чикиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олин;

кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофик қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофик объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланадиган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин ҳавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аникланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниклаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини

чакиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки ну далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил килиш ва амалга ошириш кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), куроласлаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул килгандан ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлик аникланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари хамда Ижрочини бу хақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганилиги ёки мулкка етказилган заар тўғрисида туман кўриқлаш бўлимининг навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, туман кўриқлаш бўлими вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлитетини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заар учун молдий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заар етказилганлиги аникланган ҳолларда заар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган заарнинг миқдорини аникланади учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заар миқдори суднинг қарори билан аникланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайди:

ижроши шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул килиш-топшириш журналида кайд этилмаган мулкка заар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш хамда заарни коплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6- боб. Низоларни ҳал килиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзgartириш ва бекор килиш вактида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни конъюнктурилганда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MULLY GUARDIASI		
TOSHKENT SHAHAR QO'RIGLASH BOSHQARMASI		
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI		
20 ____ yil, « ____ » da	_____	_____
RAQAMI BILAN		
QAYD ETILDI		IMZO

қонун хужжатлари белгиланган тартибда Тошкент шахар туманлараро иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгидан бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод килинади.

26. Енгидан бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола килувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор килиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод килиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидан бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килишга ҳақли.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари оловчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал килиш муддати қўйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 2 (икки) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шахар Кўриклаш бошкармасига ва иккинчи нусхаси ҳўжалик юритувчи субъектта берилади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунинга қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари оловчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022. йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал килиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник кўриклаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган холда алоҳида обьектларни кўриклашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огохлантирган холда бир томонлама бекор килишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриклаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишида огохлантирган холда бир томонлама бекор килишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алохид объектларни кўриклашни рад килиш ёки мазкур Шартнама муддатидан олдин бекор килиш тўғрисида **Ижрочига икки ой** олдин ёзма равишда маъқилади. (еслатма: Банк муассасаси бекор қилиши бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори туруб органларини фармойишлари асос бўлади).

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб тўйишга ҳаклидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарлиқдан озод килмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чикиб Томонлар мазкур Шартномага конун хужжатларига мувофиқ ҳукук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 04 январь кунидаги №9487-С сонли томонлар ўртасида тузилган шартнома ўз кучини йўқотади.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”

Тошкент шахар Кўриклаш бошкармаси
Тошкент шахар, Марказ-4, Қашкар кўчаси, 3-й
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856
ОКОНХ: 97920
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошкармасининг
ҲҚМ Тошкент шахар
Тел: 71-234-49-24

“БУЮРТМАЧИ”

Республиканский Центр по борьбе со СПИДом
Адрес: 100135, г. Ташкент, ул. Фарҳадская 12
ИНН: 200 794 684 ОКОНХ: 91 514
Л/с: 1000 1086 0262 9470 7491 0054 05
ОПЕРУ Казначейства Мин. Фин. РУЗ
Р/сКаз: 2340 2000 3001 0000 1010
в РКЦГУ ЦБ г. Ташкент
МФО: 00 014 ИНН: 201 122 519

Республиканский Центр по борьбе со СПИДом
адрес: 100135, г. Ташкент, ул. Фарҳадская 12
ИНН: 200 794 684 ОКОНХ: 91 514
Л/с: 4014 1086 0262 94707 4910 0540 01
ОПЕРУ Казначейства Мин. Фин. РУЗ
Р/сКаз: 2340 2000 3001 0000 1010
в РКЦГУ ЦБ г. Ташкент
МФО: 00 014 ИНН: 201 122 519

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
ҚББ Тошкент шахар Кўриклаш бошкармаси
бошлиғи

К.А.Шодибеков



Тошкент шахар Кўриклаш бошкармаси
Чилонзор Ҷумани қўриклаш бўлими бошлиғи

А.Б.Кулдасов

Ўзбекистон Республикасининг ОИТСга
карши курашиб маркази директори

К.Х.Юлдашев



Директор
М.Х.Ходонов



О'zbekiston Respublikasi Milliy Guardiyasi
Toshkent Shahar Qor'iqlash Boshoarmasi
Yuridik huquqiy ekspertizadan o'tkazildi
20.02.2021 da
9316 RAQAM: 9316
QAYD ETILDI

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Миллый гвардияси
КББ Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси
бошлиғи



К.А.Шодибеков

“РОЗИМАН”

Ўзбекистон Республикасининг ОИТСга
карши курашиш маркази директори

К.Х.Юлдашев

Ўзбекистон Республикасининг ОИТСга қарши курашиш марказига қарашли клиникани
кўриқлашда хизмат килаётган Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани
кўриқлаш бўлими коровул ходимларини 2022 йил 01 январь кунидан моддий таъминлаш
тўғрисида тузилган.

ҲИСОБ-ВАРАҚАСИ

Кўриқлаш ойлари	Пост сони	Кўриқлаш вақти	Бир ойлик кўриқлаш вақти	Кўриқлаш пост/соат нархи	Жами
Январь	1	24	744	16716	12436704
Февраль	1	24	672	16716	11233152
Март	1	24	744	16716	12436704
Жами					36 106 560

ЖАМИ:

36 106 560

Ўттиз олти миллион бир юз беш минг беш юз олтминн сўм.

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси
МИБ бошлиғи

Н.Н.Рўзибоев

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси
Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими
бошлиғи

А.Б.Кулдасов

